

А Ж Р И М

(ярашганлик муносабати билан жиноят ишини тугатиш тўғрисида)

2023 йил 29 май куни Тошкент шаҳар жиноят ишлар бўйича Уchteпа туман суди, “Чўпонота МФЙ” биносида, очик сайёр суд мажлисида, туман суди судьяси Ж.Одиловнинг раислигида, судья ёрдамчиси И.Раҳимовнинг котиблигида, туман прокурорининг катта ёрдамчиси Н.Рустамов, судланувчи Н.Турсунова ва жабрланувчи А.Инагамовнинг иштирокида,

1998 йил 13 октябрь куни Тошкент шаҳрида туғилган, миллати ўзбек, Ўзбекистон Республикаси фуқароси, маълумоти ўрта-маҳсус, вақтинча ишсиз, оилали, 2 нафар фарзанди бор, муқаддам судланмаган, Тошкент шаҳар, Шайхонтохур тумани, Қоратош мавзеси, 7-уй, 41-хонадонда доимий рўйхатда туриб, Уchteпа тумани, Зулфизар МФЙ, Бешқайрағоч кўчаси, 262-уйда яшовчи **Турсунова Нигора Бахтиёр қизи** (Tursunova Nigora Baxtiyor qizi)га нисбатан

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддаси 1-қисми билан юритилган 1-1007-2303/302-сонли жиноят ишини кўриб чиқиб, қуйидагиларни

А Н И Қ Л А Д И:

Турсунова Нигора Бахтиёр қизи, 2023 йил 8 май куни соат тахминан 16:00 лар атрофида, ўзганинг мулкани яширин равишда талон-тарож қилиш мақсадида, Уchteпа туманида жойлашган “Ўрикзор” савдо комплекси 2-блок, 16-дўконда бўла туриб, А.Инагамовнинг дўконда йўқлигидан фойдаланиб дўконидаги жами 400.000 сўм бўлган косметик буюмларни яширин равишда олиб воқеа жойидан яширинган.

Судланувчи Н.Турсунова суд мажлисида, айбига тўлиқ иқрорлик билдириб, ҳозирги кунда А.Инагамовга етказилган зарар тўлиқ қопланганлигини, жабрланувчининг даъвоси йўқлигини, жабрланувчи билан билан ярашиб олганлиги маълум қилиб, ишни ярашувга асосан тугатишни сўраб, бу ҳақда ариза тақдим этди.

Жабрланувчи А.Инагамов суд мажлисида, Н.Турсунова томонидан етказилган зарар тўлиқ бартараф қилинганлигини, унга ҳеч қандай даъвоси йўқлигини, ярашган тақдирда мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида



илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотишини тушуниб етганлигини билдириб, жиноят ишини ярашувга асосан ҳаракатдан тугатишни сўради.

Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига мувофиқ, ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этган шахс, агар у ўз айбига иқрор бўлса, жабрланувчи билан ярашса ва етказилган зарарни бартараф этса, ярашилганлиги муносабати билан жинойий жавобгарликдан озод этилиши мумкин.

Суд, жабрланувчи А.Инагамов ва судланувчи Н.Турсунованинг ярашув тўғрисидаги аризаларини жиноят иш ҳужжатлари билан ўрганиб, тарафлар фикрини тинглаб, томонлар ярашганликлари, жабрланувчи судга бу ҳақида ихтиёрий равишда ариза тақдим қилганлиги, унга етказилган зарар тўлиқ бартараф этилганлиги, судланувчининг айбига тўлиқ иқрорлиги, қилмишидан чин кўнгилдан пушаймонлигини инобатга олган ҳолда, Ўзбекистон Республикаси ЖПК 84-моддасининг 4-қисми ва ЖКнинг 66¹-моддасига асосан, ишни айблилик ҳақидаги масалани ҳал қилмасдан туриб тугатишни лозим топади.

Юқоридагиларга асосан ҳамда Ўзбекистон Республикаси ЖПКнинг 84-моддаси 4-қисми, 585-586-моддаларига амал қилиб, суд

А Ж Р И М Қ И Л А Д И:

Ўзбекистон Республикаси ЖК 169-моддасининг 1-қисмида назарда тутилган жиноятни содир этганликда айбланган **Турсунова Нигора Бахтиёр қизи** (Tursunova Nigora Baxtiyor qizi)га нисбатан юритилган 1-1007-2303/302-сонли жиноят иши Ўзбекистон Республикаси ЖКнинг 66¹-моддасига асосан тарафларнинг ярашганлиги муносабати билан тугатилсин.

Жабрланувчи А.Инагамовга мазкур иш бўйича иш юритишни қайта тиклаш тўғрисида илтимоснома бериш ҳуқуқини йўқотганлиги тушунтирилсин.

Ажримдан норози томон йигирма кунлик муддат ичида Тошкент шаҳар суди жиноят ишлари бўйича судлов ҳайъатининг апелляция инстанциясига хусусий шикоят бериши ёки хусусий протест билдириши мумкин.

Раислик қилувчи
Ж.Одилов



Маъсул судья: Одилов Жаҳонгир Шухратович



Ҳужжат имзоланган: Одилов Жаҳонгир Шухратович, 19.06.2023

